

**Х.Х. Абдураманов,  
и.ф.н., доц. ТДИУ**

## **ДЕМОГРАФИК САЛОҲИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ВА УНИ БАҲОЛАШ**

*В данной статье отражена сущность понятия “демографической потенциал”, научно исследована структура демографического потенциала и влияние факторов. Анализирована численность и структура населения Узбекистана, составлена полувозрастная пирамида и разработаны научно обоснованные предложения и рекомендации по регулированию демографического развития.*

*This article reflects the essence of the concept of "demographic potential" scientific study the structure of the demographic potential and influence factors. To analyze the size and structure of the population of Uzbekistan, sostovlena poluvozrastnaya pyramid and scientifically sound suggestions and recommendations on regulation of demographic development.*

**Калитли сўзлар:** *аҳоли сони, демографик инвестициялар, демографик салоҳият, демографик босим, демографик таркиб, меҳнат салоҳияти, гендер тавсиф, ёш-жинс пирамидаси, потенциал демография.*

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида демографик салоҳиятнинг ўрни катта бўлиб, унинг моҳияти, тузилиши, таркибий қисмлари ва унга таъсир этувчи омиллар тўғрисидаги масалаларни назарий жиҳатдан тадқиқ этиш ушбу соҳадаги илмий йўналишларнинг етарли даражада ўрганилмаганлигини кўрсатди. Яъни:

**Биринчидан**, “демографик салоҳият” ҳақида кўпроқ демография ва статистикага оид ишланмаларда, шунингдек, социологлар ва географларнинг тадқиқотларида сўз боради. Мазкур фанларда мамлакатнинг демографик салоҳияти деганда, аҳолининг умумий сони тушунилади[1]. Демографик салоҳиятнинг ҳажмини миқдор жиҳатдан ҳисоблаб чиқиш ҳам шу йўсинда олиб борилади. Бундай ёндашув миқдорий ҳисоб-китобларнинг шубҳасиз оддий ва осонлиги билан ажралиб турса-да, лекин сифат жиҳатдан баҳолаш, у ёки бу демографик тенденцияларнинг шаклланиш омиллари ва сабабларини, алоҳида ҳудуд ва умуман, мамлакат демографик салоҳиятининг ривожланиш шароитларини аниқлаш, демографик ривожланиш соҳасидаги салбий тенденцияларни бартараф этиш чора-тадбирлари мажмуини ишлаб чиқиш вазифалари нуқтаи назаридан ижтимоий-иқтисодий таҳлил вазифаларига мос келмайди.

**Иккинчидан**, қатор тадқиқотларда “демографик салоҳият” деганда, фақат жамиятнинг қуйидагилардан иборат репродуктив имкониятлари тушунилади: 1) аҳоли таркибида репродуктив фаол вакилларнинг сони; 2) репродуктив ёшдаги аёлларнинг фарзанд кўриш фаоллиги (бу оилалардаги фарзандлар сони, туғилишнинг умумий коэффициенти ва бошқа демографик кўрсаткичлар билан

белгиланади). Демографик салоҳиятни баҳолаш ушбу иккита кўрсаткични қисқа, ўрта ва узок муддатли (1-2 авлоддан кейин) истиқболда ҳисоблаб чиқиш асосида амалга оширилади[2].

Мазкур ёндашув Т.В. Ромашованинг тадқиқотларида анча кенг талқин этилган бўлиб, унда демографик салоҳият деганда, юзага келган жинс-ёш таркиб ва фертиллиқ, тузилган никоҳлар динамикаси ва бошқа алоҳида кўрсаткичлар асосида аҳоли сонининг ўсиши мумкин бўлган кўрсаткичи тушунилади[3].

**Учинчидан**, инсонлар яшаган умумий вақтни ҳисобга олган ҳолда уларнинг сони билан ўлчанадиган “ҳаётий салоҳият” тушунчаси орқали жамиятнинг демографик салоҳияти ҳақидаги тасаввур кенг тарқалиб бормоқда. Тадқиқотчиларнинг бир қисми демографик салоҳиятни фақат ҳаётий салоҳият сифатида талқин этган ҳолда ушбу тушунчалар ўртасига тенглик белгисини кўйишади[4]. Мазкур ёндашув демографиянинг *потенциал демография* йўналиши асосида шаклланган. Ушбу йўналиш муайян ҳудуд аҳолисини одам йил кўрсаткичи билан ўлчанадиган айрим ҳаётий салоҳият эгаларининг йиғиндисини сифатида кўриб чиқади[5]. Потенциал демографияда қўлланиладиган кўрсаткичларни ҳисоблаш асосида аҳолининг ўрганилаётган гуруҳида ушбу даврга мос келувчи ўлим даражасини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ёшдаги инсонлар йиғиндисининг муайян вақтининг ўртача умр кўриш вақти ётади [6].

**Тўртинчидан**, ижтимоий-иқтисодий ва демографияга оид адабиётларда “демографик салоҳият” кўпроқ ҳудуднинг инсон салоҳияти мафқураси замирида талқин этила бошлади. Ушбу нуқтаи назардан демографик салоҳият муайян ҳудуд (давлат, минтақа) аҳолиси такрор барпо бўлишининг сифат ва миқдор салоҳияти сифатида талқин этилади ва аҳолининг умумий сони, унинг жинс-ёш таркиби, аҳоли сонининг ўсиш (камайиш) динамикаси, миграцион жараёнлар каби кўрсаткичлар билан аниқланади[7]. Бунинг асосида шундай хулосага келинадики, демографик салоҳият жамият ва давлатнинг унинг фаровонлигини ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини ошириш йўналишида ривожланишининг шарти, асоси ва мақсади ҳисобланади, ҳамда минтақа аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш имкониятини тавсифлайди.

Кўриб турганимиздек, ҳозирги вақтда демографик ва ижтимоий-иқтисодий фанларда демографик салоҳиятнинг моҳиятини ва унсурий таркибини талқин этишга нисбатан ягона ва умумий қабул қилинган ёндашув мавжуд эмас, бу ҳол объектив тарзда ушбу тушунчани назарий ва услубий жиҳатдан илмий асослашни талаб қилади. “Демографик салоҳият” тушунчасига аниқлик киритиш мақсадида унинг иккала таркибий қисмини (демография ва салоҳият) кўриб чиқамиз.

Демографиянинг умумий қабул қилинган таърифи ушбу тушунчани аҳолининг такрор барпо бўлиши тўғрисидаги фан сифатида талқин этади ва бу унга асос қилиб олинади. “Салоҳият” тушунчасини таърифлаш билан боғлиқ вазият эса анча мураккаб. Яъни салоҳият атамаси “нақд мавжуд бўлган ҳамда муайян мақсадларга эришиш, режани амалга ошириш, қандайдир вазифани ҳал этиш учун алоҳида шахснинг, жамиятнинг ва давлатнинг муайян соҳадаги имкониятига қараб сафарбар этилиши, ҳаракатга келтирилиши,

фойдаланилиши мумкин бўлган маблағлар, заҳиралар ва манбалар” сифатида талқин этилади.

Иқтисодиёт соҳасидаги илмий тадқиқотларда салоҳият жуда кенг тарзда ва турли маъноларда қўлланилади. Масалан, ушбу атама қуйидаги сўз бирикмаларида ишлатилади: иқтисодий салоҳият, илмий-техник салоҳият, инфратузилмавий салоҳият, ишлаб чиқариш салоҳияти, ижтимоий ривожланиш салоҳияти, интеллектуал салоҳият, табиий-ресурс салоҳияти, кадрлар салоҳияти, ахборот салоҳияти, мудофаа салоҳияти, қишлоқ хўжалиги салоҳияти, ташкилий салоҳият ва ҳ.к.

Салоҳиятнинг моҳияти ва таркибини талқин этиш масаласи нуқтаи назардан тадқиқотчилар иккита гуруҳга бўлинади. Улардан бирининг фикрига кўра, салоҳият атамаси, биринчи галда, ижтимоий ишлаб чиқариш тизими ривожланишининг эришилган даражасини тавсифлайди ва у яхлит бирлик сифатида кўриб чиқилиши керак[8]. Иккинчи гуруҳ тадқиқотчилар назарида, салоҳиятнинг бир нечта даражасини, хусусан: эришилган салоҳият ва истиқболдаги салоҳиятни ажратиш лозим. Бунда эришилган салоҳият деганда, ижтимоий тизимнинг мавжуд унсурлари йиғиндиси (масалан, «асосий фондлар йиғиндиси, тармоқлар ялпи маҳсулоти ёки мамлакатнинг ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг амалда эришилган ташкилий даражасида ва ишлаб чиқариш аппаратининг потенциал имкониятларидан фойдаланиш даражасида яратилган ялпи ижтимоий маҳсулоти ҳажми...») тушунилади, истиқболдаги салоҳият тушунчасига эса тизимнинг ҳали амалга оширилмаган имкониятлари (масалан, «...хўжалик тизимининг ишлаб чиқаришнинг идеал шароитида ва ресурслардан оптимал даражада фойдаланишда моддий неъматлар ва хизматлар ишлаб чиқаришининг эришиш мумкин бўлган энг юқори ҳажмини белгилаб берувчи мавжуд имконияти») киради [9].

Ҳар қандай салоҳият мазмунида иккита таркибий қисмни ажратиш мақсадга мувофиқ:

- **объектив** – ишлаб чиқаришга жалб этилган ва қандайдир сабабларга кўра жалб этилмаган ҳамда унда иштирок этиш учун реал имкониятларга эга бўлган меҳнат, номоддий, моддий ва табиий ресурслар йиғиндиси;

- **субъектив** – инсонлар, жамоалар, умуман жамиятнинг ресурслардан фойдаланиш ҳамда моддий неъматлар ва хизматларнинг энг кўп ҳажмини яратиш қобилияти, шунингдек, корхона, ташкилот, тармоқ, умуман хўжалик тизими бошқарув аппаратининг барча мавжуд ресурслардан фойдаланиш қобилияти.

Юқорида баён этилганларга таянган ҳолда “демографик салоҳият” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ: **“демографик салоҳият деганда, аҳолининг сони ва унинг ижтимоий-демографик гуруҳлари алоҳида таркибий қисмлари динамикасининг авлодлар алмашинувининг даражаси билан ўзаро боғлиқлиги тушунилади”**.

Бундай ёндашув демографик салоҳиятни ўлим (ҳаётий салоҳият) ва туғилиш (репродуктив салоҳият) жараёнларини қамраб олувчи “демографик алмашинув салоҳияти” сифатида кўриб чиқиш ва мос равишда ҳудудда демографик вазиятни яхшилашга йўналтирилган самарали бошқарув

қарорларини ишлаб чиқишда ушбу ходисалар ва жараёнларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиш имконини беради.

Шундан келиб чиқиб, демографик салоҳиятнинг таркибини куйидаги тарзда тақдим этиш тавсия этилади (1-расм).



**1-расм. Демографик салоҳиятнинг таркиби**

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Демографик салоҳият уни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғловчи иккита тавсифга эга. **Биринчидан**, меҳнат ресурсларининг сони ва таркиби, демак, иқтисодиётнинг ишлаши демографик салоҳиятнинг ҳажми, таркиби ва сифатига бевосита боғлиқ (меҳнат энг муҳим ишлаб чиқариш омили). Бундан ташқари, аҳоли сони давлатнинг ҳудудларини ўзлаштириш ва уларга аҳолини жойлаштириш нуктаи назаридан муҳим. Тарихдан маълумки, мамлакатнинг аҳоли кам жойлашган ва хўжалик нуктаи назаридан яхши ўзлаштирилмаган ҳудудлари узоқ вақт сақланиб турмайди – уларни ўзлаштириш ва хўжалик айланмасига жалб этиш учун ресурсларга эга бўлган талабгорлар топилади.

**Иккинчидан**, демографик салоҳиятнинг сифати бўйича ижтимоий-иқтисодий тизимлар (иқтисодиёт моделлари) ривожланишининг самарадорлиги ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин. Албатта, унда инсонлар асосан таъминланган, соғлом, таълим олиш имкониятига, турмуш даражаси ва сифати, умр кўриш узунлигининг юқори кўрсаткичларига эга бўлган жамият (мамлакатлар)да ижтимоий-иқтисодий тизимлар муваффақиятлироқ ишлайди.

Демографик салоҳиятни баҳолаш ва уни мамлакатлар (минтақалар) бўйича таққослаш мезонлари ҳисобланган миқдор ва сифат кўрсаткичлари билан тавсифланади.

### **Демографик салоҳиятни баҳолашнинг миқдор кўрсаткичлари.**

Демографик салоҳиятни баҳолашнинг асосий миқдорий кўрсаткич – аҳолининг мутлақ сонидир. Уни киши, минг киши, миллион киши ҳисобида ўлчаш мумкин. Таъкидлаш лозимки, демографик салоҳият миқдор жиҳатдан минтақа даражасида ҳам, мамлакат ва дунё даражасида ҳам доимий равишда ўзгариб туради. Бу ҳол аҳоли такрор барпо бўлиши жараёнининг узлуксизлиги билан боғлиқ. Инсонлар ҳар дақиқада туғилади, ҳаётдан кўз юмади ва яшаш жойини ўзгартиради. Барча ушбу таркибий қисмлар демографик салоҳият ҳажмига таъсир кўрсатади. Демографик салоҳиятни тавсифлашда аҳоли сонини баҳолашнинг “бошланиш нуқтаси” (санаси)ни белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Бундай “чегаралар” йилнинг боши ёки охири, аҳолини рўйхатга олиш санаси ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, демографик салоҳиятни баҳолашнинг миқдор кўрсаткичларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- *доимий аҳоли сони* – охириги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида ҳисобланиб, унга ҳар йили туғилганлар ва муайян ҳудудга кўчиб келганлар сони қўшилиб, ўлганлар ва муайян ҳудуддан кўчиб кетганлар сони айрилади;

- *ўртача йиллик аҳоли сони (ўртача аҳоли)* – ҳисобот йили бошига ва охирига доимий аҳоли сонининг ўртача арифметик сонини ҳисоблаш орқали ҳосил қилинади;

- *дунё аҳолисида мамлакат (минтақа) улуши*;

- *аҳоли сонининг ўсиши (камайиши) суръати* – аҳоли сонининг неча мартага (фоизга) ошгани ёки камайганини кўрсатади;

- *аҳолининг мутлақ ўсиши (камайиши)* – маълум даврда аҳоли сонининг миқдорий ўсишини (ёки камайишини) ифодалаб, кўриб чиқиладиган давр бошига ва охирига аҳоли сонининг айирмаси орқали ҳисобланади;

- *аҳолининг умумий ўсиши* – аҳолининг табиий ва миграцион ўсиши йиғиндисини ҳисоблаш орқали аниқланади;

- *аҳоли зичлиги* – муайян ҳудуддаги доимий аҳолининг умумий сонини шу ҳудуд майдонига нисбати орқали аниқланади;

- *урбанизация коэффиценти (даражаси)* – муайян ҳудуддаги доимий аҳолининг умумий сониди шаҳар аҳолисининг улуши;

- *депопуляция коэффиценти* – ўлганлар сонининг туғилганларга нисбати;

- *ҳаётийлик коэффиценти* – туғилганлар сонининг ўлганларга нисбати.

Аҳолининг миқдор тавсифлари доимий эмас, чунки жами аҳолининг ҳам, унинг алоҳида гуруҳларининг ҳам сони ўзгариб туради. Бунда аҳолининг турмуш даражаси пасаймаслиги керак. Мазкур шарт-шароит оилани сақлаб туриш харажатларининг ўзгаришига, ижтимоий-маданий эҳтиёжларнинг қондирилишига олиб келади. Ўз навбатида, жамият миқдор ва таркиб жиҳатдан ўзгарган аҳолини сақлаб туриш харажатларни, яъни демографик инвестицияларни аниқлаши керак.

Демографик инвестициялар<sup>1</sup> миқдори иқтисодийётнинг ривожланишида акс этади. Бир томондан, аҳоли сонининг тез ўсиши, ўз навбатида, демографик инвестицияларнинг катта миқдори иқтисодий ўсиш ва турмуш даражанинг ортишини сусайтиради. Иккинчи томондан, кам демографик жамғармалар, масалан, таълим ва касбга тайёрлаш даражасининг пасайиши, аҳолининг, биринчи навбатда, ишчи кучининг ўлими ва касалланишининг ортиши иқтисодийётнинг ривожланиш суръатини пасайтиради. Иқтисодийёт барқарор ривожланаётган мамлакатларда аҳоли сонининг ўсиши ички бозордаги талабнинг кенгайишига олиб келади. Иқтисодий ривожланиш даражаси ва аҳолининг даромадлари паст бўлган, лекин аҳолисининг сони юқори суръатлар билан ўсаётган мамлакатларда тўловга қобил талабнинг ортишини кутиб бўлмайди.

Жамиятнинг демографик салоҳиятини сифат жиҳатдан баҳолаш ҳам ўта муҳим аҳамият касб этади. Демографик салоҳият аҳолининг соф миқдор кўрсаткичлари (туғилганлар ва ўлганлар сони, тузилган никоҳлар ва ажралишлар сони, касалланиш даражаси ва ҳ.к.)ни ҳисоблаш (*афсуски, демографик вазиятни баҳолаш аксарият ҳолатларда айнан шундан иборат*), бошқа мамлакатларда бўлгани каби бизда ҳам демографик ривожланишнинг сифат жиҳатини эътибордан четда қолдиради, лекин ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, у ерда инсонлар ва ходимлар кўп бўлган мамлакатлар эмас, балки у ерда ҳар бир ходимдан эришиладиган самара энг юқори бўлган, у ерда ишчи кучининг малакали таркиби юқори бўлган, у ерда инсонлар нафақат ўз турмуш даражасининг яхшиланиши ҳақида, балки келгуси авлод ҳақида ҳам ўйлайдиган ва қайғурадиган мамлакатлар бойроқдир. Шунинг учун демографик салоҳиятни миқдор жиҳатдан баҳолаш у ёки бу ҳудуд аҳолисининг умумий сонини баҳолаш, унинг гендер ва ёш таркиби билан тугамаслиги керак. У аҳолининг ҳаётини салоҳиятини баҳолаш билан тўлдирилиши лозим. Айнан ана шундай баҳолаш демографик ривожланиш жараёнини бошқаришнинг самарадорлиги ва сифати ҳақида гапириш имконини беради. Бунда айнан бошқариш самарадорлиги, олдиндан кўйилган мақсадларга эришиш ҳар қандай давлат сиёсатини баҳолашнинг асоси ва мезони ҳисобланади.

Демографик салоҳиятни баҳолашнинг сифат кўрсаткичлари жумласига ҳудуд аҳолисининг структураси ва таркибини киритиш лозим. Аҳоли структураси ва таркиби синонимлар эмас. Таркиб – бу «номенклатура» ёки аҳолини ташкил қилувчи унсурлар рўйхати. Демографик таркиб инсонларнинг эркаклар ва аёлларга, турли ёш гуруҳларига бўлинишини ўз ичига олади. Таркибдан фарқли ўлароқ аҳоли структураси – бу бир хил унсурлар ёки сон жиҳатдан белгиланган гуруҳлар ўртасидаги нисбат. Структура фоизлар, промилле, улушлар ҳисобида ифодаланади.

Демографик салоҳиятни сифат жиҳатдан баҳолашда, унинг қуйидаги йўналишларини ажратиш тавсия этилади.

<sup>1</sup> Демографик инвестициялар – аҳоли сони ва таркибининг ўзгариши баробарида мавжуд турмуш даражасини сақлаб туришга йўналтирилган харажатлар. Демографик инвестициялар харажатларининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: болаларни вояга етунларига қадар таъминлаш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, таълим, янги иш ўринларини яратиш ва ҳ.к.

**1. Аҳолининг гендер таркибини баҳолаш.** Ушбу тавсиф, биринчи навбатда, жамиятнинг репродуктив имкониятларини, айрим вақт оралиғида туғилиши ва келгусида меҳнат салоҳиятини шакллантириши мумкин бўлган болалар сонини аниқлаш нуқтаи назаридан муҳим.

Демографик салоҳиятни сифат жиҳатдан баҳолашда жинс таркибининг куйидаги кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- *аҳоли таркибида ёки айрим ёш гуруҳларида эркаклар (аёллар)нинг мутлақ сони ва улуши;*

- *жами аҳоли ёки айрим ёш гуруҳларида эркаклар сонининг аёлларникига нисбати (ёки аксинча).*

**2. Аҳолининг ёш таркибини баҳолаш.** Бу таркиб орқали истиқболдаги туғилиш ва ўлим тенденциялари, шунингдек, аҳолининг такрор барпо бўлиши ҳақида илмий асосланган мулоҳазалар чиқариш мумкин. Ушбу тенденциялар орқали иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда у ёки бу муаммоларнинг вужудга келиш эҳтимолини баҳолаш, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли ва ишчи кучи динамикасини прогнозлаш, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш, уларга бўладиган талаб ва шунга ўхшаш масалаларни билиш имконини беради. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида аҳолининг қариш жараёни, унда меҳнатга лаёқатли аҳолига тушадиган демографик босим салбий аҳамият касб этадиган (кекса ёшдагиларга тушадиган демографик босим болаларга тушадиган босимдан ортиқча бўлган) ҳолатига дуч келди. Аксинча, болаларга тушадиган демографик босим кекса ёшдагиларга тушадиган босимдан юқори бўлган вазият ижобий ҳолат ҳисобланади, чунки болалар, бу – бўлажак ходимлардир.

Демографик салоҳиятни сифат жиҳатдан баҳолашда ёш таркибининг куйидаги кўрсаткичларидан фойдаланиш тавсия этилади:

- *аҳолининг ўртача ёши* – ҳар бир ёшдаги аҳоли сонини шу ёшга кўпайтириб, жами аҳоли сонига бўлиш орқали аниқланади;

- *аҳоли таркибида меҳнат ёшидан кичик (меҳнатга лаёқатли ёшдаги, меҳнатга лаёқатли ёшдан катта) аҳолининг улуши;*

- *демографик босим коэффициенти* – меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолига қанча меҳнат ёшидан кичиклар (0-15 ёшлилар) ва меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар (55 ёш ва ундан катта аёллар, 60 ёш ва ундан катта эркаклар) тўғри келишини англатади;

- *демографик кексайиш коэффициенти* – меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар сонини жами аҳоли сонига бўлиш орқали аниқланади.

**3. Аҳолининг маълумотлилиқ даражасини баҳолаш.** Ушбу кўрсаткич ўта муҳим, чунки инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий ва репродуктив мақсадлари, оилага ва ўз саломатлигига бўлган муносабати, фарзандли бўлиш истаги ва имконияти, демографик эҳтиёжлари ва манфаатлари кўп жиҳатдан аҳолининг умумий маданиятига, унинг кенг маънодаги маълумотлилигига, маълумотнинг тури ва сифатига боғлиқ.

**4. Хатти-ҳаракат йўналишини баҳолаш** (никоҳ қуриш, ажралиш даражаси), зарарли одатларга амал қилиш, ўз саломатлигини сақлаб туриш (профилактика кўриқларидан ўтиш ва касалланган ҳолларда малакали даволаниш учун тиббий

муассасаларга мурожаат этиш), жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг мунтазамлиги, репродуктив мақсадлар (фарзанднинг туғилишига ёки унинг туғилишидан воз кечишга сабаб бўлувчи ҳаракатлар ва муносабатлар) ва ҳ.к.[10].

Демографик жараёнларни бошқариш механизми худуд демографик салоҳиятининг ҳолатига ва ривожланишига таъсир кўрсатувчи муҳим омилларни ажратиш ва баҳолашни назарда тутати.

Бизнинг назаримизда, демографик салоҳиятнинг шаклланишига таъсир этувчи барча омилларни қуйидаги асосий гуруҳларга бирлаштириш мақсадга мувофиқ: ижтимоий-иқтисодий; физиологик; хатти-ҳаракат; ахборот; институционал (2-расм).


2-расмдан кўринадики, биринчи гуруҳ – **ижтимоий-иқтисодий омиллар** демографик вазиятга, аҳолининг саломатлигига ва худуднинг демографик салоҳиятига таъсир этувчи асосий тизимли макроиқтисодий омилларни ўз ичига олади. Масалан, фаровонликнинг юқори даражаси, қулай турар жой шароитлари, ижтимоий, маиший, тиббий, спорт ва бошқа турдаги ривожланган инфратузилмаларнинг мавжудлиги аҳолининг оддий такрор барпо бўлишини ҳам таъминламайди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ижтимоий кескинликнинг кучайиши инсонлар саломатлигида ҳам (турли асаб, юрак-қон томир тизими касалликларининг пайдо бўлиши), уларнинг фарзанд кўриш режаларида ҳам ўз аксини топади: беқарор вазият, ишни йўқотиб қўйишдан хавфсириш, болалар муассасалари мавжуд бўлмаган, жинойтчилик авж олган шароитда инсонлар фарзанд кўришдан бош тортади, чунки уларни вояга етказишда (кўпинча ҳатто шунчаки боқишда ҳам) ўз кучига, уларнинг келажагига ва ўзининг келажагига ҳам ишончи комил эмас.

Иккинчи гуруҳ – **физиологик омиллар** демографик салоҳиятни шакллантирувчи омилларни (репродуктив саломатлик, болалар ва ёшлар саломатлиги, шунингдек, меҳнатга лаёқатли ёшдаги инсонлар саломатлиги) бирлаштиради. Шу маънода меҳнатга лаёқатли ёшдаги инсонлар саломатлигининг (турли сабабларга кўра меҳнатга лаёқатли ёшдаги ўлим), шунингдек, болалар ва ёшлар, яъни аҳолининг маълум вақт ўтгач меҳнатга лаёқатли ёшга кирадиган ҳамда жамият меҳнат салоҳияти ва меҳнат капиталининг асосини ташкил қиладиган гуруҳлари саломатлигининг кўрсаткичлари ўта муҳим ҳисобланади. Масалан, уларга саломатлик индекси, ходимларнинг ҳар 100 тасига тўғри келадиган меҳнатга лаёқатсизлик ҳолатлари сони, меҳнатга лаёқатсизлик кунлари сони, меҳнатга лаёқатсизлик ҳолатининг ўртача муддати ва бошқа кўрсаткичлар киради.

**Хатти-ҳаракат омиллари** инсонларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигига, репродуктив тенденциялар ва анъаналарга, умуман демографик хатти-ҳаракатга таъсир этувчи субъектив хусусдаги асосий омилларни ўз ичига олувчи учинчи гуруҳни ташкил этади.





2-расм. Демографик салоҳиятнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар таснифи

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Анъанавий тарзда хатти-ҳаракат омиллари жумласига анъаналар ва одатларнинг кенг доираси, шу жумладан овқатланиш ва бўш вақт хусусияти, дориларни истеъмол қилиш тартиби, зарарли одатларнинг мавжудлиги, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг мунтазамлиги, меҳнат фаолиятининг хусусияти, аҳолининг фаоллиги ва ҳ.к. киритилади. Тадқиқотларга кўра, хатти-ҳаракат омиллари кўпроқ ташқи муҳит омилларига ҳамда ахборот омилларига боғлиқ. Масалан, юқорида таъкидланганидек, жамиятда ҳаётий кадрият сифатида саломатликка нисбатан муносабатнинг шаклланиши кўп жиҳатдан тегишли хатти-ҳаракат кўрсатмаларининг тарғиб қилинишига, уларнинг жамиятда кенг тарқалишига, ушбу хилдаги хатти-ҳаракатнинг давлат томонидан ҳар томонлама рағбатлантирилишига боғлиқ.

Умуман, саломатлик профилактикаси, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, демографик вазиятни яхшилаш соҳасидаги тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирилган ғоялар ва тадбирларнинг қабул қилиниши ва тарғиб этилишига айна дамда юзага келган жамоат фикри ҳам катта таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, унга ижтимоий ҳаёт ҳодисаларининг баҳолари ва уларга нисбатан барқарор фикрлар, ижтимоий ҳодисаларга нисбатан анъанавий муносабатлар тизими, шунингдек, жамиятдаги кенг қатламларнинг муайян ҳодиса ёки воқеага нисбатан билдирган муносабати киради. Саломатликнинг кадр-қиммати тўғрисида ижобий жамоат фикрини шакллантириш жамиятда соғлом турмуш тарзининг функциялари ва самарадорлиги, жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишнинг инсон саломатлигига таъсири, шунингдек, аҳолининг турли қатламларида муайян ҳаракат ва ҳодисалар (соғлом турмуш тарзини юритиш, расмий тиббиётга ҳурмат ва ишонч, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш)нинг алоҳида жиҳатлари ва оқибатларини фаол (тарғиб қилиш) ёки пассив (тегишли кўрсатувларни кўриш, мақолаларни ўқиш ва ҳ.к. жараёнда), аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда (ёки тасодифий), саралаб (ёки оммавий) тавсифловчи ахборот оқимларининг таъсири остида юзага келадиган таассуротлар ҳақидаги билимларнинг кенг ёйилишини назарда тутади.

Шундай қилиб, тўғри хатти-ҳаракат моделини шакллантиришга ҳаққоний тарзда мустақил гуруҳга ажратилган ахборот омиллари катта таъсир кўрсатади. **Ахборот омиллари** жамиятнинг ижтимоий-демографик ривожланишига ва аҳолининг саломатлигига алоҳида таъсир этади. Юқорида таъкидланганидек, ахборот инсонлар хатти-ҳаракатининг асосий моделларига, аҳолининг кайфиятига ва унинг у ёки бу ҳодисага нисбатан муносабатига тўғридан-тўғри, энг асосийси, тез таъсир кўрсатади. Масалан, оилани, фарзандларни фаол тарғиб-ташвиқ қилиш, айниқса у оналик ва болаликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари билан мустаҳкамланган бўлса, тез орада туғилиш суръатининг ўсишига ва ўсаётган авлодга нисбатан масъулиятли муносабатнинг шаклланишига олиб келиши мумкин.

Ва, ниҳоят, шартли равишда ва биринчи навбатда, ижобий демографик тенденцияларни шакллантириш, хатти-ҳаракат йўналишини ўзгартириш йўлида омилларнинг қолган гуруҳларига самарали бошқарув таъсирларини

шакллантиришнинг асосий шартларини аниқлаш мақсадида **институционал омиллар** алоҳида гуруҳга ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси юксак демографик салоҳиятга эга мамлакат ҳисобланади. Бугунги кунда дунё аҳолисининг (7,2 млрд.киши) 0,42 %и Ўзбекистон улушига тўғри келади.

Президент И. Каримов мустақиллик йилларидаги мамлакатимизнинг демографик салоҳиятига баҳо бериб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтганлар: “Айни шу йилларнинг ўзида аҳолимизнинг сони 10 миллион 300 минг кишига кўпайиб, бугунги кунда 31 миллион кишини ташкил этаётгани Ўзбекистонимизнинг инсоний салоҳиятини ошириб, янги босқич ва марраларга эришиш учун нафақат мустаҳкам замин туғдирмоқда, керак бўлса, бошқаларни биз билан ҳисоблашишга мажбур қилмоқда”<sup>2</sup>.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 1990-2013 йилларда республика аҳолиси 48 %га кўпайиб, 2014 йил 1 январда 30492,8 минг кишини ташкил этган (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида доимий аҳоли сонининг ўзгариши, минг киши (йил бошига)

Худудлар	Йиллар				2014 йилда 1991 йилга нисбатан ўзгариши	
	1991	2001	2011	2014	+,-	%
<i>I</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>	<i>7</i>
Ўзбекистон Республикаси	20607,7	24813,1	29123,4	30492,8	9885,1	148,0
<i>Шу жумладан:</i>						
Қорақалпоғистон	1270,6	1527,0	1680,9	1736,5	465,9	136,7
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	1789,0	2216,5	2672,3	2805,4	1016,4	156,8
Бухоро	1195,1	1437,7	1683,8	1756,4	561,3	147,0
Жиззах	792,2	991,5	1166,7	1226,8	434,6	154,9
Қашқадарё	1694,4	2212,5	2722,9	2895,4	1201	170,9
Навоий	682,0	791,1	873,0	901,1	219,1	132,1
Наманган	1551,8	1953,2	2379,5	2504,1	952,3	161,4
Самарқанд	2200,9	2710,0	3270,8	3445,6	1244,7	156,6
Сурхондарё	1332,0	1770,4	2175,1	2308,3	976,3	173,3
Сирдарё	559,1	649,9	727,2	763,7	204,6	136,6
Тошкент	2129,8	2370,2	2644,4	2725,9	596,1	128,0
Фарғона	2214,6	2697,5	3229,2	3386,5	1171,9	152,9
Хоразм	1066,0	1347,7	1601,1	1684,1	618,1	158,0
Тошкент ш.	2130,2	2137,9	2296,5	2352,9	222,7	110,5

Манба: Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари // [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

<sup>2</sup> Президент И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги тадбир сўзи // Халқ сўзи, 2014 йил 1 сентябрь. №169 (6099).

Жадвалга кўра, ўтган 24 йил мобайнида республика аҳолиси сони 9885,1 минг кишига ортган. Бу даврда аҳоли сонининг ўсиш суръати Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида республика ўртача кўрсаткичидан юқори, қолган ҳудудларда эса паст бўлган.

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида аҳоли сонининг ўсиш суръати энг паст бўлиши қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

- иқтисодий ривожланиш ва урбанизация даражасининг юқорилиги;
- туғилиш даражасининг бошқа ҳудудларга нисбатан пастлиги;
- ўлим даражасининг бошқа ҳудудларга нисбатан юқорилиги;
- аҳоли таркибида кекса ёшдагилар улушининг нисбатан кўплиги ва бошқалар.

Ўзбекистон ҳудудида ҳар қандай **демографик “янгилик”** Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вужудга келади ва у икки йўналишда, яъни Жануби-ғарб ва шарқ томон тарқалади. Яна шу аниқки, аҳоли туғилиши ва табиий кўпайишидаги ўзгаришлар айнан республиканинг жанубий ҳудудлари – Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида анча вақт ўтгандан сўнг қайд этилади. Бошқача қилиб айтганда, Тошкент вилоятидаги ҳозирги демографик вазиятга жанубий вилоятлар маълум вақт ўтгандан кейин эришади [11].

Айтиш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида аҳоли сонининг ўсиш суръати ўртача 1,6 %ни ташкил этмоқда. Ваҳоланки, бу кўрсаткич дунё бўйича – 1,2, ривожланаётган мамлакатларда – 1,4, юқори даражада ривожланган мамлакатларда эса 0,1 %га тенг.

Демографик салоҳиятнинг шаклланишида унинг гендер тавсифи муҳим аҳамиятга эга. Гендер тавсифни ёритишдан олдин мазкур тушунчанинг луғавий маъносини тушуниб ўтсак.

Гендер (инглизча «gender», лотинча «genus» сўзларидан – «зот») – инсоннинг жамиятда ўзини тутишини ва бундай тутиш қандай қабул қилинишини белгилайдиган ижтимоий жинсдир. Агар жинс эркалар ва аёллар ўртасидаги фарқлар аниқ ва ўзгармайдиган бўлган биологик категория ҳисобланса, гендер жамият томонидан яратилган ижтимоий категория бўлиб, вақт ўтиши билан ўзгариб боради [12].

Гендер таркибида аёллар ва эркалар улушининг тенглиги, яъни мутаносиблиги уларнинг никоҳга киришига ва оилалар ташкил топишига қулай вазият яратади. Лекин ҳар доим ҳам жамиятда аёллар ва эркалар улушининг тенглиги кузатилмайди. Илмий манбаларда кўрсатилишича, дунё аҳолисида янги туғилган чақалоқлар орасида ўғил болалар кўпроқ туғилади. Статистик маълумотларга қараганда, ҳар 100 та қиз болага нисбатан туғилган ўғил болалар сони 105-106 тани ташкил этади. Ўғил болалар сонининг қиз болаларга нисбатан юқорилиги уларнинг 15-20 ёшларигача сақланиб қолади. 20 ёшдан кейин эса жинслар нисбати тенглаша бошлайди. Чунки чақалоқлик, болалик ва ўсмирлик даврларида қиз болаларга нисбатан ўғил болалар ўлими юқорироқ бўлади. 15-20, 20-24 ёш гуруҳларидан бошлаб аҳоли таркибида аёллар сони нисбатан кўпроқ бўла бошлайди. Бу ҳол қатор сабаблар билан боғлиқ. Хусусан, ёшлик ва ўрта ёшлик даврида эркаларнинг кўп қисми оғир меҳнат билан

машғул бўлади. Шунингдек, улар инсон саломатлиги учун зарарли бўлган алкогольизм, чекиш каби одатларга берилувчан бўлади. Бунинг натижасида кўплаб эркаклар ўрта ёшлик даврларида ҳаётдан кўз юмадилар.

Мавжуд маълумотларга кўра, Ўзбекистонда XIX асарнинг охири XX аср бошида эркаклар сони аёллар сонига нисбатан сезиларли даражада юқори, яъни 7,2-8,0 %га ортиқ бўлган. Аҳоли таркибида эркаклар салмоғининг барқарор ортиши бевосита аёллар ўлимининг оқибати бўлган. Бунинг асосий сабабларидан бири ўша даврда аёлларнинг хаддан ташқари кўп фарзанд туғиши бўлган. Ушбу йилларда демографик вазият шундай эдики, 10-15 фарзанд кўрган оналарнинг фақат 2-3 таси тирик қолган. Республика аҳолиси таркибида эркаклар улушининг юқорилиги Иккинчи жаҳон урушигача сақланиб турган. Уруш демографик вазиятга кескин ўзгартириш киритган. 1959 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олишда ҳар 1000 та аҳоли таркибидаги эркаклар ва аёллар нисбати 480:520 лигини кўрсатган. Бошқача айтганда, Ўзбекистон аҳолисининг таркибида аёллар эркакларга нисбатан 4,0 %га кўп бўлган.

Бугунги кунда жинслар ўртасидаги нисбат тенглашиб, Ўзбекистон демографик салоҳиятининг гендер таркибида эркаклар 50,1, аёллар 49,9 %ни ташкил этмоқда (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ўзбекистон демографик салоҳиятининг гендер таркиби, минг киши (йил бошига)

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					2013 йилда 2005 йилга нисбатан	
		2005	2010	2011	2012	2013	+, -	%
<i>I</i>		<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>	<i>7</i>	<i>8</i>
1.	Жами аҳоли сони	26021,3	28001,4	29123,4	29555,4	29993,5	3972,2	115,3
	Аҳоли таркибида тугган улуши:							
	- аёллар	50,0	50,0	49,9	49,9	49,9	-0,1	-
	- эркаклар	50,0	50,0	50,1	50,1	50,1	0,1	-
	<b><i>шу жумладан:</i></b>							
1.1.	Шаҳар аҳолиси	9441,9	14425,9	14897,4	15143,2	15370,1	5928,2	162,8
	<i>шундан:</i>							
	- аёллар	4764,1	7245,4	7487,3	7603,0	7712,2	2948,1	161,9
	- эркаклар	4677,8	7180,5	7410,1	7540,2	7657,9	2980,1	163,7
1.2	Қишлоқ аҳолиси	16579,4	13575,5	14226,0	14412,2	14623,4	-1956	88,2
	<i>шундан:</i>							
	- аёллар	8263,6	6741,0	7067,7	7159,9	7262,6	-1001	87,9
	- эркаклар	8315,8	6834,5	7158,3	7252,3	7360,8	-955	88,5

**Манба:** Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан 2005-2013 йиллар давомида республика аҳолиси сони 15,3, шаҳар аҳолиси сони 62,8 %га ўсганлигини, қишлоқ аҳолиси сонининг эса 11,8 %га камайганлигини кўришимиз мумкин. Бу тенденция 2009 йилдаги “қишлоқ жойлар урбанизацияси” билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 68-сонли қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасида – 11 та, Андижон вилоятида – 79 та, Бухоро вилоятида – 59 та, Жиззах вилоятида – 33 та, Қашқадарё вилоятида – 117 та, Навоий вилоятида – 29 та, Наманган вилоятида – 108 та, Самарқанд вилоятида – 75 та, Сурхондарё вилоятида – 106 та, Сирдарё вилоятида – 15 та, Тошкент вилоятида – 78 та, Фарғона вилоятида – 198 та, Хоразм вилоятида – 50 та қишлоқ шаҳар посёлкаларига айлантирилган.

2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳар 1000 та аёлга 1002,9 та эркак тўғри келган. Бу кўрсаткич шаҳар жойларида – 993,0, қишлоқларда эса 1013,5 тага тенг (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида эркак ва аёллар нисбати, киши (2013 йил 1 январь ҳолатига)

Ҳудудлар	Ҳар 1000 та аёлга тўғри келадиган эркаклар сони		
	жами аҳоли	шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси
1	2	3	4
Ўзбекистон Республикаси	1002,9	993,0	1013,5
<i>Шу жумладан:</i>			
Қорақалпоғистон Республикаси	1001,3	989,4	1013,1
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	1016,4	1013,1	1020,1
Бухоро	992,6	1002,4	986,4
Жиззах	1004,5	987,2	1020,5
Қашқадарё	1012,0	1010,5	1013,2
Навоий	1027,5	1058,9	997,0
Наманган	1024,5	1025,3	1023,2
Самарқанд	1000,8	978,0	1015,6
Сурхондарё	1012,1	994,1	1022,4
Сирдарё	1009,7	999,9	1017,3
Тошкент	993,8	980,6	1006,8
Фарғона	1008,4	991,7	1031,2
Хоразм	994,0	987,7	997,2
Тошкент ш.	955,2	955,2	-

Манба: Женщины и мужчины Узбекистана. Статистический сборник. – Т., 2013. - С.34.

Таҳлиллар шаҳар аҳолисининг жинс таркибида аёллар, қишлоқ аҳолисиникида эса эркаклар улушининг нисбатан юқорилигини кўрсатади. Жинслар таркибидаги бундай фарқ қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

- шаҳар жойларида туғилишнинг нисбатан пастлиги, аёлларнинг эркакларга нисбатан узокроқ умр кўриши;
- қишлоқ жойларида туғилишнинг юқорилиги (маълумки, янги туғилган чақалоқлар орасида ўғил бола кўп туғилади).

Демографик салоҳиятнинг гендер тавсифида аёллар репродуктив ва ижтимоий вазифаларни, эркаклар эса меҳнат ва ижтимоий вазифаларни бажаради.

Аёлларнинг репродуктив вазифаси деганда аҳолини такрор барпо этиш учун ҳар бир оилада нечтадан фарзанд бўлиши мумкинлиги назарда тутилади. Аёл ўзининг репродуктив вазифасини бажариши учун, яъни бир авлоднинг ўрнини иккинчи авлод давом эттириши учун ҳар бир туғиш ёшидаги (15-49 ёш) аёл ўрта ҳисобда 2,15-2,17 та фарзанд кўриши керак. Аёл томонидан дунёга келган фарзандлар сони 1,8 дан камни ташкил қилса, туғилиш даражаси жуда паст, агар у 1,8-2,15 га тенг бўлса, туғилиш даражаси паст ҳисобланади. Айтиш жоизки, туғилишнинг йиғинди коэффициенти қийматлари юқори қийматга эга бўлса аҳолининг такрор барпо бўлиши кенгайиб боради.

Бугунги кунда (2013 йил) Ўзбекистон Республикасида ҳар бир туғиш ёшидаги аёлга ўрта ҳисобда 2,3 та фарзанд тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич АҚШда – 1,9, Канадада – 1,6, Японияда – 1,4, Хитойда – 1,5, Россияда эса 1,7 тага тенг [13].

Ҳисоб-китобларга кўра, агар ҳар бир оилада биттадан фарзанд бўладиган бўлса, бундай халқ саккизинчи авлоддан кейин йўқ бўлиб кетиши ёки 23 йилда мамлакат аҳолисининг тенг ярми йўқолиб борар экан. Ҳар бир оилада иккитадан фарзанд бўлиши ҳам аҳоли сонини сақлаб туришни таъминлай олмас экан ва бундай ҳолатда мамлакат аҳолиси 365 йилда икки мартага қисқариши мумкин [14].

Демографик салоҳиятнинг ёш тавсифини ўрганиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади. Ёш инсоннинг туғилишидан бошлаб унинг ўсиши, ривожланиши, вояга етиши ва қаришидан иборат ҳаёт тавсифидир [15].

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига кўра меҳнат лаёқати бўйича аҳоли қуйидаги уч гуруҳга ажратилади:

- меҳнатга қобилиятли ёшгача (0-15 ёш);
- меҳнатга қобилиятли ёшдаги (16-54 ёш аёллар, 16-59 эркаклар);
- меҳнатга қобилиятли ёшдан катталар (55 ва ундан катта аёллар, 60 ва ундан катта эркаклар).

Меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлганлар (0-15 ёш) мамлакат жами аҳолисининг энг катта қисмини ташкил этиб, уларнинг аксарияти меҳнат жараёнида иштирок этмайди. Аммо ушбу аҳоли гуруҳи салмоғи меҳнат салоҳиятининг келгуси ва истикбол кўрсаткичларини белгилаб беради. Чунки ушбу қатламнинг юқори чегарасидаги ўсмирлар тез орада меҳнат ресурслари сафига қўшилади.

Меҳнатга яроқли ёшдаги аҳоли нисбий ва мутлақ кўрсаткичларининг ўзгариши меҳнат ресурслари шаклланишига ва у орқали мамлакат иқтисодий

таракқиёти суръатларига катта таъсир кўрсатади. Чунки аҳоли таркибида ёшлар салмоғининг юқори улуши жамиятнинг салоҳияти демакдир.

Иқтисодиётда меҳнатга қобилиятли ёшдан катталар меҳнатидан фойдаланиш «нуқта»лари бўлади. Улар орасида юқори ақлий малака ишлатишни талаб қиладиган фаолият турлари ҳам бўладикки, улар инсондан юқори умумтаълим тайёргарлигини ва муайян амалий тажрибани талаб қилади. Кўпгина мактаб ўқитувчилари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, шифокорлар, илмий ходимлар ва бошқа юқори ақлий фаолият турлари вакиллари борки, улар пенсия маррасидан ўтгандан кейин ҳам муваффақиятли меҳнат қилиб қелмоқдалар. Пенсия ёшининг дастлабки беш йилида (эркакларда – 60-64 ёш, аёлларда – 55-59 ёш) алоҳида фаоллик сезилади. Қолган ёш гуруҳлар меҳнатга лаёқатли аҳолига демографик босимини<sup>3</sup> ўтказди.

Аҳолини меҳнат лаёқати бўйича гуруҳларнинг салмоғини таҳлил қиладиган бўлсак, унда меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳолининг улуши юқорилигига гувоҳ бўламиз (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида меҳнат ёшидаги аҳолига демографик босимнинг ўзгариши (йил бошига)

Йиллар	0-15 ёшдаги аҳоли сони (болалар ва ўсмирлар), минг киши	16-59 (54) ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сони, минг киши	60 (55) ва ундан катта меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар сони, минг киши	Демографик босим (хар 1000 га меҳнат ёшидаги аҳолига тўғри келадиган меҳнатга лаёқатсиз аҳоли сони), киши
1	2	3	4	5
1991	9117,6	10352,8	1635,7	1038,7
1995	9797,9	11357,3	1751,2	1016,9
2000	9864,4	13142,9	1805,7	887,9
2005	9217,0	15241,3	1854,2	726,4
2010	8982,9	16953,6	2064,9	651,6
2014	9116,6	18814,0	2562,2	620,8
2014 йилда 1991 йилга нисбатан ўзгариши, %	99,9	118,1	156,6	-

**Манба:** Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Жадвалдан кўринадикки, 1991-2010 йиллар мобайнида 0-15 ёшдаги аҳоли сони 1,5 %га камайган. Ушбу ҳолат мамлакатдаги демографик вазиятнинг нисбатан барқарорлашуви ва бунинг натижасида туғилишнинг камайиши билан

<sup>3</sup> Демографик босим – меҳнатга лаёқатсиз аҳолининг меҳнатга лаёқатли аҳолига тушадиган оғирлиги. Демографик босим меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолига қанча меҳнат ёшидан кичиклар (0-15 ёшлилар) ва меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар (55 ёш ва ундан катта аёллар, 60 ёш ва ундан катта эркаклар) тўғри келишини англатади.



боғлиқ ҳолда рўй берган. Шу билан бирга мустақилликдан олдинги ва унинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда туғилишнинг юқори кўрсаткичлари мавжуд бўлганлиги сабабли 1991-2014 йиллар мобайнида меҳнатга яроқли ёшдаги аҳоли сони ўсиб борган ва бу даврда 10352,8 минг кишидан 18814,0 мингга етган. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқаролар бутун аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этиб, уларнинг сони демографик омил таъсирида ўзгариб туради. Уларнинг қанча бўлиши тегишли ёшлардаги ўлим даражасига боғлиқ. Бу, шунингдек, меҳнат қилиш ёшига етган ўсмирлар билан пенсия ёшига етган фуқаролар сони ўртасидаги нисбатга ҳам боғлиқ. Ўлим қанчалик кам бўлса ва меҳнат қилиш ёшига етган фуқаролар билан бу ёшдан чиққан кишилар ўртасидаги фарқ қанчалик юқори бўлса, меҳнат қилиш қобилиятига етган кишилар сони шунчалик кўп бўлади ёки аксинча.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги туғилишнинг юқори пайтида туғилган аҳолининг бугунги кунда меҳнатга қобилиятли ёшдан катталар сафига ўтиши аҳоли таркибида мазкур гуруҳнинг юқори суръатда ўсишини таъминламоқда. Яъни 2014 йилда меҳнатга қобилиятли ёшдан катталар сони 1991 йилга нисбатан 56,6 %га кўпайиб, аҳолининг 8,1 %ини ташкил этган.

Бугунги кунда (2014 йил) мамлакатимизда 60 ёшдан ошганлар сони 2 миллион 873 мингдан кўпроқ кишини ташкил этади. Аини пайтида юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар 100 ёшдан ошган табаррук қариялар яшамоқда. Улар орасида 3 минг 109 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 69 минг 994 нафар фронт ортида меҳнат қилган инсонлар борлигини алоҳида таъкидлаш лозим<sup>4</sup>.

Айтиш жоизки, меҳнатга қобилиятсиз аҳоли меҳнатга лаёқатлиларга ўзининг демографик босимини ўтказди. Ҳисоб-китобларимизга кўра, 1991 йилда ҳар 1000 та меҳнат ёшидаги аҳолига тўғри келадиган меҳнатга лаёқатсиз аҳоли сони 1038,7 тани ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 620,8 тага тенг бўлган. Бошқача айтганда, меҳнатга лаёқатли бир кишига 1991 йилда 1 та, 2014 йилда эса 0,6 та меҳнатга қобилиятсиз аҳоли тўғри келган. Бу, албатта, ижобий ҳолат ҳисобланади. Ўзбекистонда юзага келган мазкур демографик вазият меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни тақозо этади.


Аҳолининг ёш ва жинс таркибини биргаликда ва яққол тасаввур этиш учун ёш-жинс пирамидаси тузилади. Ёш-жинс пирамидаси икки ёнли чизиқли диаграмма тарзида бўлади, унинг ўнг ёнида аёл жинсли аҳоли, чап ёнида эркак жинсли аҳоли акс эттирилади. Диаграмманинг вертикал ўқи ёш шкаласи бир ёки беш йиллик оралиқларда аҳоли ёшини 0 йилдан бошлаб энг юқори ёш оралиқлари билан тугалланади.

Ёш-жинс пирамидаси ҳақиқий пирамидаларга ўхшаб кетади, чунки кишиларнинг ёши улғайиб борган сари уларнинг ёш гуруҳидаги сони камай бошлайди ва пирамида тасмаларининг узунлиги қисқариб боради. Туғилиш ва

<sup>4</sup> Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимининг қатъият билан давом эттириш. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2014 йил 6 декабрь. №237 (6167).

Ўлим даражаси узок йиллар давомида ўзгармай турадиган аҳолининг идеал ёш таркиби ёнлари текис чизикли бўлган деярли тенг ёнли учбурчакка ўхшаб кетади. Бироқ бундай бўлмайди, чунки туғилишлар сони ҳам, ўлимлар сони ҳам, одатда, кескин ўзгариб туради [16].

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ҳозирги (1991 ва 2013 йиллар) ва истиқболдаги (2020 ва 2030 йиллар) ёш-жинс пирамидаси тузилди (3-расм).



**3-расм. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ёш-жинс пирамидаси**  
Манба: Муаллиф ишланмаси.

3-расмдан кўриниб турганидек, 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ёш-жинс пирамидаси дўнглик шаклига эга бўлган. Яъни мазкур йилда аҳолининг ёш-жинс таркибида 0-4, 5-9, 10-14, 15-19 ёш гуруҳидаги эркек ва аёлларнинг сони юқори бўлган.

Ўзбек халқига болажон халқ дейилиши бежиз эмас. Ҳозирда ҳам бошқа мамлакатларга нисбатан Ўзбекистон кўп болали оилалар анчагина. Ўзбек халқида фарзандларга нисбатан кўлланиладиган шундай мақол мавжуд: “Ўнтаси бўлса ўрни бошқа, қирқтаси бўлса қилиғи”. Лекин бозор муносабатлари шароитида йиллар давомида шаклланган кадриятлар, урф-одатларда ўзига хос ўзгаришлар рўй бераётганлиги, халқнинг муносиб турмуш шароитини яратишга интилиши, омма ўртасида ҳомиладорликдан сақловчи тиббий воситаларнинг кенг тарқалиши, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлигининг ортиши, ҳар бир оила ўзининг иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда фарзандлар туғилишни назорат этиши каби ижтимоий-иқтисодий ва демографик омиллар республикада туғилиш даражасининг пасайишига олиб келди. Бунинг натижасида аҳолининг ёш таркибида меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлган аҳоли сони камайди. Бу ҳолат 2013 йилги аҳолининг ёш-жинс пирамидасида ўз аксини топган. 2013 йилги ёш-жинс пирамидасида кўриниб турганидек, мазкур йилга келиб аҳоли таркибида 0-4, 5-9 ва 10-14 ёш гуруҳидаги эркак ва аёлларнинг сони камайган. Аксинча 15-19, 20-24 ва 25-29 ёш гуруҳидагилар сони ортган.

Республикада кечаётган демографик жараёнларнинг замонавий тенденцияларининг таҳлили аҳолининг ёш таркибида меҳнат ёшигача бўлганлар салмоғининг камайиб, аксинча меҳнатга лаёқатли ёшдаги ва ундан катталар улушининг ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, истиқболда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўналишларида ҳам ўзига хос ўзгаришларнинг амалга оширилишини, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолини иш билан таъминлаш, кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш лойиҳалари ва дастурларини ишлаб чиқишни талаб этади. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши демографик ривожланиш истиқболини белгилашга боғлиқ. Шуни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврдаги узоқ муддатли демографик прогнози “ёшни силжитиш” усулидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Прогноз маълумотлари асосида Ўзбекистон аҳолисининг 2020 ва 2030 йиллар учун ёш-жинс пирамидаси тузилди. Расмдан кўриниб турганидек, 2020 йилда мамлакатда 24-29, 30-34, 35-39 ва 40-44 ёш гуруҳидагилар, 2030 йилда эса 0-4, 5-9, 24-29, 30-34 ёш гуруҳларидан ташқари барча ёшдагилар сонининг ортиши кутилади.

Мамлакат демографик салоҳиятининг миқдорий ўзагини инсон ташкил этади ва мазкур омилнинг сифат жиҳатдан такомиллашуви бевосита меҳнат салоҳиятининг шаклланишига сабаб бўлади. Демак, инсон омили меҳнат салоҳияти шаклланишининг ҳам миқдорий, ҳам сифатий асосидир.

Мамлакат ва ҳудудий даражаларда меҳнат салоҳиятининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш яхлитдир, чунки уларнинг мақсадли йўналиши бир хил. Лекин улар миқдор, сифат ва сафарбарлик кўрсаткичлари жиҳатдан ҳудудлардаги демографик муҳит, табиий-иқлим шароитлари, иқтисодий ривожланиш даражаси ва бошқа омиллар туфайли бир хил эмас. Бу ҳолат фақат иқтисодий ривожланишни пасайтирибгина қолмай, балки ижтимоий ва сиёсий муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Шу нуқтаи назардан меҳнат салоҳияти кўпчилигининг алоҳида диққат-эътиборини жалб қилади.

Демографик салоҳият жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ҳисобланади. Шундай экан, улар бетўхтов яратилиши, шу билан бирга сифат жиҳатидан анча юқори даражада такрор юзага чиқарилиши керак. Мамлакатда инсон ресурслари салмоғи, меҳнат салоҳияти қанча юқори, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони қанчалик кўп бўлса, тараққиёт янада юксалади.

Демографик салоҳиятнинг ҳолати ва ривожланишига таъсир этувчи омиллар таҳлили демографик ривожланишни тартибга солишни ва уни амалга ошириш механизмлари қуйидаги чора-тадбирларини амалга оширишни тақозо этади:

- аҳолини оммавий санитария-гигиеник ўқитиш тизимини ташкил этиш;
- биринчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни кучайтириш, койка фондидан оқилона фойдаланиш нуқтаи назаридан тиббий ёрдамни ташкил этишни такомиллаштириш; гериатрик ёрдамни кенгайтириш; оилавий врач институтини ривожлантириш;

- йирик лойиҳалар ва дастурларнинг аҳоли саломатлиги ҳолати ва касалланишига таъсирини аниқлаш учун уларни санологик экспертиза қилиш хизматларини ташкил этиш;

- ноқулай омилларнинг ходимлар саломатлигига таъсирини аниқлаш учун иш ўринларини аттестациядан ўтказиш; иш берувчиларнинг зарарли меҳнат шароитларида ишловчилар учун хавф-хатар тўғрисидаги ахборотни яширганлик учун жавобгарлигини қонунчилик билан мустаҳкамлаш;

- яшаш муҳитининг оммавий ифлосланган ҳудудларида ялпи экология-гигиеник дастурларни ишлаб чиқиш, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари, болалар овқатини витаминлаштириш, дам олиш учун бепул йўлланмаларни тақдим этиш кўринишида ижтимоий-иқтисодий компенсацияларни жорий этиш; чуқурлаштирилган эпидемиологик тадқиқотларни ўтказиш ва геоахборот технологиялари асосида хавф-хатар омилларини муфассал ўрганиш; озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати устидан назоратни кучайтириш;

- оилаларнинг ижтимоий аҳамиятга молик турларини ижтимоий-демографик паспортлаштириш, қабул қилинадиган қонунлар лойиҳалари ва дастурларни демографик экспертизадан ўтказиш тизимини жорий этиш;

- яратилаётган иш ўринларининг турғунлик хусусиятига устуворлик бериш. Бунинг учун эса юқори меҳнат сиғимига эга бўлган ишлаб чиқариш тармоқлари (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, пахтани қайта ишлаш, енгил саноат, озиқ-овқат саноати, машинасиозлик ва автомобилсозлик) ривожига алоҳида эътибор қаратиш; кам рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган ишлаб чиқариш корхоналарини реконструкция қилиш ва модернизациялаш ҳисобига уларнинг тўла қувватда ишлашларини таъминлаш; чет эл инвестицияларини жалб этиш йўли билан янги ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарини барпо этиш талаб этилади;

- кадрлар тайёрлаш ва улардан турли ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда фойдаланишда сифат кўрсаткичлари ўз устуворлигига эга бўлиши лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, иқтисодийётни модернизация қилиш жараёнлари жадал амалга оширилаётган бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш учун барча шарт-шароитлар ва

имкониятлар мавжуд. Зеро, Президент И.А. Каримов таъбири билан айтганда, **«Ўзбекистоннинг худудий бойлиги ва мулки унинг меҳнатсевар, сахий ва меҳмондўст халқидир»**. Жамиятнинг энг олий бойлиги бўлган халқда қудратли салоҳият мужассам. Бу салоҳиятни юзага чиқариш эса жамиятимизни ривожлантириш ва тараққий эттиришнинг жуда кучли омили бўлиб хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Вишневский А.Г., Васин С.А., Зайончковская Ж.А. Демографический и трудовой потенциал России / Путь в XXI век (стратегические проблемы и перспективы российской экономики). /Под ред. Д.С. Львова. – М.: Экономика, 1999. – С.202.
2. Корешкин А. Демография России. //Электронный источник. Режим доступа: [http://www.patriotica.ru/actual/koresh\\_demog.html](http://www.patriotica.ru/actual/koresh_demog.html).
3. Ромашова Т.В. Введение в экономическую и социальную географию. – М.: КНОРУС, 2006.
4. Петракова Ю.Н. Микроанализ демографического потенциала сельского населения как существенного фактора регионального развития //Материалы международного форума «Инновационные технологии и системы». – Минск: ГУ «БелИСА», 2006. – С.156.
5. Рoubичек В. Демографические прогнозы и потенциальная демография. – Москва, 1973. – С.31-37.
6. Стешенко В.С. Потенциальная демография. Географо-этнографический справочник. Электронный источник. Режим доступа: <http://geography.su/demogr/item/f00/s00/e0000942/index.shtml>.
7. Шалмуев А.А. Основные составляющие потенциалов регионального развития //Экономическое возрождение России, 2006. №4(10). – С.57-62.
8. Проскуряков В.М., Самоукин А.И. Экономический потенциал социальной сферы: содержание, оценка, анализ. – М.: Экономика, 1991.
9. Полкова Т.В. Методологические подходы к формированию и развитию человеческого потенциала. – Екатеринбург: Институт экономики УрОРАН, 2006. – С.28.
10. Абдураманов Х.Х. Ўзбекистон демографик салоҳиятидан фойдаланиш истиқболлари. // “Biznes-Эксперт” илмий журнали. №7-8, 2013 йил – 49-50-бетлар.
11. Солиев А.С. ва бошқалар. Қишлоқ жойлар демографияси. – Т.: ЎзМУ, 2005. – 19-б.
12. Инсон тараққиёти. Дарслик. /И.ф.д., проф. Қ.Х. Абдурахмонов тахрири остида. – Т.: Фан ва технология, 2013. – 326-б.
13. Максакова Л.П. Основные приоритеты демографического развития Узбекистана в контексте программы действий МКНР после 2014 года. // Материалы конференции: “Новые горизонты Узбекисна в дальнейшем улучшении здоровья мужчин и женщин и укреплении семьи в контексте обновленной Программы Действий МКНР после 2014 года”. – Т., 2014. – С.29.

14. Назаров Ҳ.М., Мамадалиева Х.Х. Ўзбекистоннинг демографик салоҳияти. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2011. – 139-140-бетлар.

15. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 493-б.

16. Борисов В.А. Демография: учебник для вузов . 3-е изд. – М.: NOTA BENE, 2003. – С.98-99.